



**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ”
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ – АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**



**“PROBLEMS OF FISHERMEN DEVELOPMENT IN
UZBEKISTAN AND PROSPECTS” INTERNATIONAL
SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE**



Бухоро – 2021 йил

“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил, 9-10 июль

Бухоро - 2021

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

МУНДАРИЖА

Обиджон Хамидов.Ўзбекистонда балиқчиликни ривожлантириш истиқболлари.....	3
Артикова Ҳ.Т., Пардаев Ш.С. Бухоро вилоят сув ҳавзаларида балиқ маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим омиллари	4

**1-ШЎБА. БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР
ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ПЛАНЫ РАЗВИТИЯ РЫБОВОДСТВА
PERSPECTIVE PLANS FOR THE DEVELOPMENT OF FISHERIES**

Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Юлдашов Л.Т., Жалолов Э.Б. Яшил сувўтларини балиқчиликда қўллашнинг истиқболлари.....	7
Тожибоев Ш. Ж., Шералиев А. Бактерии, используемые в рыбководстве для повышения качества и роста продуктивности	9
Allashukurov Sh.R., Xajiyev R.K., Do`sov X.J., Bekdurdiyeva Sh.Sh. Xorazm baliq MCHJ klasterida zo`g`ora baliq ko`paytirishning zamonaviy usullari.....	12
Усмонова Д.Б., Раупова М.Х., Давронова Ш.Б. Бухоро вилоятидаги “Зикри”, “Хадича” ва “Девхона” кўллариинг гидрокимёвий ҳолати ва қиёсий таҳлили	15
Матчанов О.Ж. Мамлакатимизда балиқчилик тармоғининг тараққиёт йўли ва иқлим ўзгариши шароитида ривожланиш истиқболлари	18
Холмурадова Т.Н., Фафоров Ю.Ш. Балиқчиликда юксак сув ўсимликларидан фойдаланишнинг самарадорлиги.....	21
Шайимкулова М.А., Алимжанова Х.А. Альгофлора реки Сох.....	23
Юлдашева Малика Бердияровна. Воздействие микропластика на пресноводную ихтиофауну	25
Кўзиев К.Ж., Махмудов М.Ф., Усмонов С.О., Пардаев Ш.С., Юлдошов Л.Т. Бухоро вилоятининг сув муаммолари.....	26

**2-ШЎБА. ЎЗБЕКИСТОН БАЛИҚЧИЛИК СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ ИХТИОЛОГИК,
ГИДРОБИОЛОГИК, ГИДРОКИМЁВИЙ ҲОЛАТИ
ИХТИОЛОГИЧЕСКОЕ, ГИДРОБИОЛОГИЧЕСКОЕ, ГИДРОХИМИЧЕСКОЕ
СОСТОЯНИЕ РЫБОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ВОДОЕМОВ УЗБЕКИСТАНА
ICHTHYOLOGICAL, HYDROBIOLOGICAL, HYDROCHEMICAL CONDITION OF
FISHERY WATER BASINS OF UZBEKISTAN**

Raxmanova A. X., Jumanazarova N. R., Jumaniyozova T. M. Xorazm viloyati baliqchilik hovuzlaridagi zooplankton va ularning baliqlar oziqlanishidagi ahamiyati	29
Ummatova M.E., Kanatbayeva T.S., Arinova N.A. Baliqlarning biotik omillarga munosabati	32
С.Б. Бўриев, Ф.Қ. Шодмонов, Г.А. Окилова. Денгизкўл сув ҳавзасига куйиладиган коллектор ва каналларнинг гидрокимёвий таркибини аниқлаш ҳамда микроскопик сувўтларини кўпайтириш истиқболлари.	34
Raxmanova A. X., Jumaniyozova T. M., Jumanazarova N. R. Xorazm viloyati baliqchilik suv havzalari tuproqlaridan laboratoriya sharoitida dafniyasimonlarni effipiylardan chiqishini aniqlash.	37
Мирабдуллаев И.М., Иззатуллаев З., Уразова Р.С., Содиков А. Зарафшон дaryosi basseindagi qisqichbaqalar.....	40
Tajiyev Z.R., Rajapova M.Q., Sabirova M.Q., Babadjanova M.M. Xorazm viloyati shovot tumani tabiiy suv havzalari o`simliklarinig tur tarkibi va ularning baliqchilidagi ahamiyati	43
Абдуллаева М.С., Кузметов А.Р., Атамуратова М.Ш. Зарипов Э.Туябўғиз сув омбори гидрологияси ва гидрокимёси	44
Rayimov A.R., Raxmonov R.R., Rustamova M.A. O`zbekiston respublikasi qizil kitobiga kiritilgan noyob baliqlarning bioekologik xususiyatlari.	46
Ельмуратова А. А., Алимжанова Х. А. Гидрология, гидрохимия и водноболотных растений междуречьянского водохранилища.....	49
Жумакулова Ҳ.Ҳ. Бухоро шаҳри «Мавлиён» зовур сувидаги фитопланктонларни аниқлаш	52
Ш.С.Пардаев, М.М.Тўраев, Э. Султонов, Б. Собиров, М. Юсупов. Зикри кўлининг гидрологик ва гидробиологик хусусиятлари тугрисида маълумот.....	53
Иззатуллаев З., Боймуратов Х., Суяров С., Жалилов Ф., Жабборова Т., Тўйназарова И. Зарафшон дарёси сув экосистемалари моллюскалари биологик хилма-хиллиги.....	55
С.Б.Бўриев, З.Ф.Ходжаева. Денгизкўл ташлама зовури ўрта оқимининг гидрокимёвий таҳлили.....	58
С.Б.Бўриев, З.Ф.Ходжаева. Денгизкўл зовури юқори оқими гидрокимёвий таҳлили.....	60
С.Б.Бўриев, З.Ф.Ходжаева. Денгизкўл зовури куйи оқими гидрокимёвий таҳлили.....	62

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

4.	Курук колдик	1000	8500
5.	Нитритлар	0,08	0,24
6.	Ион аммоний	0,5	3,8
7.	Нефт маҳсулотлари	0,05	н/о
8.	Фосфатлар	0,3	0,5

Зовурнинг ўрта оқида бошқа зовур сувларининг қўшилиши натижасида муаллақ моддалар, хлоридлар ва сульфатлар миқдори Денгиз-кўл зовурининг бошқа оқимларига нисбатан кўрсаткичлар миқдори юқорилиги аниқланди. Зовур сувида бир қанча турдаги фитопланктон ва зоопланктонлар тур таркиби таҳлил қилинди. Фитопланктонлардан тегишли турлар **Chlorophyta**, **Cyanophyta**, **Euglenophyta** бўлимларига тегишли турлар ташкил этади. Зоопланктонлардан **Rotatoria**, **Cladocera**, **Copepoda** бўлимларига қирадиган турлар учрайди.

Зовур сувида олиб борилган тадқиқотлар сувнинг санитария - гигиеник жиҳатдан анча ифлосланган сув таркибига эга эканлиги ва гидробионтларнинг тур таркибини ўрганишда асосий маълумотларга эришилди. Бу олиб борилган тадқиқотлар Денгиз-кўл зовури сувнинг ва кўлдаги балиқ ҳамда гидробионтларнинг яшаш тарзини ва қўпайишини ўрганишда таянч бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 02-июндаги ПҚ-3823-сонли “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 06 ноябрдаги ПҚ-4005-сонли “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. Лувье Ю.Ю. Аналитическая химия промышленных сточных вод. Москва.: Химия,1984 . - 446 с
4. Ҳ.М.Тошов, Ф.З.Ходжаева “Фитопланктон ва зоопланктоннинг ўзаро таъсири” “Янгилаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи халқаро конференцияси –Тошкент 2020. 3-4 январ 483-487 бет.

**ДЕНГИЗКЎЛ ЗОВУРИ ЮҚОРИ ОҚИМИ ГИДРОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛИ
ГИДРОХИМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВОД ВЕРХНЕГО ТЕЧЕНИЯ КОЛЛЕКТОРА
ДЕНГИЗКУЛЬ
HYDROCHEMICAL ANALYSIS OF THE WATERS OF THE UPPER REACHES OF
LAKE DENGIZKUL**

*С.Б.Бўриев профессор
З.Ф.Ходжаева докторант
Бухоро давлат университети*

Аннотация: Мақолада Денгиз-кўл зовури юқори оқими географик жойлашуви, гидрокимёвий ҳолати ҳамда гидробионтлар тур таркиби келтирилган

Аннотация: В статье приведена географическая характеристика, гидрохимическое состояние и видовой состав гидробионтов верхнего течения Денгизкульского коллектора.

Annotation:The article presents the geographic location of the high flow of the Sea-Lake Basin, the state of the hydrochemical and the composition of the hydrobions species

Тупроқ шўрлик даражасини камайтириш, кишлок хўжалиги экинларининг сувга бўлган талабини кондиритиш учун Амударё суви ишлатилади. Суғориш жараёни, шўр ювиш натижасида катта миқдорда сизот сувлари ҳосил бўлади. Бу сувлар йиғилиб катта сунъий кўллар ҳосил бўлади. 1978 йилда Бухоро вилоятида коллектор сувларининг ҳажми 1494 млн/м³ ни ташкил қилган. Бу сувларнинг йиғилиши натижасида бир қанча кўллар ҳосил бўлган. Денгиз-кўлга ҳам шу каби зовур сувлари,


**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

айниқса марказий Денгиз-кўл зовури (Параллел)нинг суви туман худудидаги саноат корхоналаридан чиқаётган чикинди сувларни ташийди.

Денгиз-кўл зовури Навоий вилоятидаги Шўрарик зовурининг давоми сифатида Бухоро вилоятининг Когон туманидан зовурнинг юқори оқими бошланади. Бир қанча майда зовурлар сувларининг куйилиши натижасида – зах сувларининг туман худудидан чиқариб юбориш вазифасини бажаради.

Узунлиги 126,4 км, 1967 – йилда фойдаланишга топширилган. 2016 - йилда “Когон сув қурилиш” ташкилоти томонидан таъмирланган.

Координаталари 39°45'37.34"N, 64°38'07.64"E



1 – расм. Денгиз-кўл зовурининг юқори оқими

Тадқиқот ишлари 2021 - йил баҳор мавсумида бошланиб, дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. Ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан гидробионтларнинг фаоллашиш жараёни бошланади. Денгиз-кўл зовуридан баҳор мавсуми май ойи давомида гидробиологик намуналар йиғиб борилди.

Зовурда асосан фитопланктон ва зоопланктонларнинг тур таркиби ва биомассаси ўрганиш биргаликда санитария ҳолатлари ҳам ўрганилди.

Намуналарни йиғишда дала шароитида сувнинг ҳарорати, ранги, тиниклиги, ва рН кўрсаткичлари аниқланди. Сувнинг қолган барча кўрсаткичлар лаборатория шароитида аниқланди. Май ойининг бошида ҳаво ҳарорати 18⁰ – 19⁰ С, сув ҳарорати 21,4⁰ – 21,7⁰ С. (соат: 6:30). Зовурнинг юқори оқимидаги чуқурлиги 1,5 – 2 метрни ташкил этади. Сувнинг тиниклиги 1 метр. Сув муҳити рН яъни, сувнинг водород ионининг миқдори (рН)- индикатор қоғози ёрдамида ва ЛПУ-01 маркали рН метрда ўлчанди. рН – миқдори 6, шўр кўллар қаторига қиради. Зовур сувини ва ундаги гидробионтлар тур таркибини аниқлаш мақсадида сув юзаси ва сув остидан 3 хил усулда намуналар олинди.

- Сувдаги гидробионтлар таркибини аниқлаш мақсадида сувга бир неча томчи 4 % ли формалин томизилиб олиш;

- Сувдаги ингридиентлар миқдор кўрсаткичини аниқлаш мақсадида тоза ҳолатда олиш;

- Зовур сувида гидробионтларни кўлайтириш мақсадида катта ҳажмдаги идишларда олиш;

Бундан ташқари планктон йиғиш икки турдан яъни, сифат ва миқдор намуналаридан иборат. Ҳар икки турдаги намуналарни олиш учун ҳам Апштейн тўри Капрон № 76, сув кириш диаметри № 20 ишлатилди.

Сифат кўрсаткичи учун 10 метр масофада юриб, миқдор кўрсаткичи учун 250 литр сувни Апштейн тўри орқали ўтказиб, зовур сувининг турли қисмларидан намуналар йтғилди.

Сувнинг физик – кимёвий ҳолатини таҳлили лаборатория шароитида гидрокимёвий таҳлил қилинди.

Лаборатория шароитида сув анализи қуйидаги кўрсаткичларни кўрсатди

1-жадвал

№	Ингридиентлар	ПДК	Юқори оқим
1.	Муаллақ моддалар	15	58
2.	Хлоридлар	300	1912,0
3.	Сулфатлар	100	2065,0
4.	Қуруқ қолдик	1000	4450

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

5.	Нитритлар	0,08	0,22
6.	Ион аммоний	0,5	3,6
7.	Нефт маҳсулотлари	0,05	n/o
8.	Фосфатлар	0,3	0,4

Кўрсаткичлардан маълум бўладики, хлоридлар ва сульфатлар микдори бошқа тузларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Зовур сувида бир қанча турдаги фитопланктон ва зоопланктонлар тур таркиби таҳлил қилинди.

Фитопланктонлардан тегишли турлар *Chlorophyta*, *Cyanophyta*, *Euglenophyta* бўлиmlарига тегишли турлар ташкил этади. Зоопланктонлардан *Rotatoria*, *Cladocera*, *Copepoda* бўлиmlарига кирадиган турлар учрайди.

Зовур сувида олиб борилган тадқиқотлар сувнинг санитария - гигиена ҳолатини ҳамда гидробионтларнинг тур таркибини ўрганишда асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 1-майдаги ПҚ-2939-сонли “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 06 ноябрдаги ПҚ-4005-сонли “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

7. Лубе Ю.Ю. Аналитическая химия промышленных сточных вод. Москва.: Химия, 1984 . - 446 с

8. С.Б. Бўриев, Л.Т. Юлдошов, А.М. Қобилов, Ф.Қ. Шодмонов, “Денгизкўл сув хавзасининг гидрохимёвий таркибини аниқлаш ва микроскопик сувўтларини кўпайтириш” хоразм маълум академияси ахборотномаси –5/2021

ДЕНГИЗКЎЛ ЗОВУРИ ҚУЙИ ОҚИМИ ГИДРОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛИ

ГИДРОХИМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВОД НИЖНЕГО ТЕЧЕНИЯ КОЛЛЕКТОРА

ДЕНГИЗКУЛЬ

**HYDROCHEMICAL ANALYSIS OF THE WATERS OF THE LOW REACHES OF LAKE
DENGIZKUL**

С.Б.Бўриев профессор
З.Ф.Ходжаева докторант
Бухоро давлат университети

Аннотация: *Мақолада Денгиз-кўл зовури қуйи оқими географик таснифи, кимёвий ҳолати ҳамда гидробионтларнинг учраш бирликлари келтирилган*

Аннотация: *В статье приведена географическая характеристика, гидрохимическое состояние и видовой состав гидробионтов нижнего течения Денгизкульского коллектора.*

Annotation: *The article presents the geography classification of the downstream of Dengiz-kul basin, its chemical state and the amount of hydrobionts*

Денгиз-кўл зовурининг қуйи оқими бошқа худудларга нисбатан энг катта қисми бўлиб, Қорақўл тумани Пойкент худудига тўғри келади. Шивли зовури зах сувларининг узунлиги 16,85 км майдонда бўлган Саёт ва Денгиз-кўл бирлашмаси номли зовурига келиб қўшилиши натижасида Денгиз-кўл зовурига келиб қуйилади. 16 км майдонни ташкил этадиган қуйи оқим Олот тумани орқали Денгиз-кўлга бориб қуйилади. 2017 –йилда “Қорақўл сув маҳсуе” ташкилоти томонидан таъмиранган. Денгиз-кўл зовурининг кўлга яқин қисмида жойлашганлиги сабабли барча зовур сувлари Денгиз-кўл зовурига қуйилиши натижасида катта ҳажмдаги майдонни эгаллаб кенгайиб боради. Хизмат қилиш майдони 750 га. ни ташкил этади. Зовур сувидан намуналар олиш жараёнида сувининг ҳарорати, ҳаво ҳарорати, сувнинг тиниклиги, зовурининг бошланишида ва ўрта қисмларидаги чуқурлиги ва гидрохимёвий даражаланиши дала шароитида олиб борилди. Сувнинг қолган барча кўрсаткичлар лаборатория шароитида аниқланди.

Координаталари 39°37'55.22"N, 64°06'10.7"E